



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 153 (12.464)

Баҳоси эркин нарҳда



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Айни кунларда Истиқлолнинг 22 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ҳар бир туманда кенг кўламдаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик, яратиш ва яшнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳамза тумани аҳолиси ҳам барча соҳаларда ғайрат билан меҳнат қилиб, қутлуғ байрам шодиёналарини ўзига хос ютуқлар билан кутиб олиш ҳаракатида.



ҲАМЗА ТУМАНИ:

ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

1968 йилда ташкил топган туманининг ҳудуди 36,5 минг квадрат метр бўлиб 217,7 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Бугунги кунда туманда 55 та маҳалла, 7 та оилавий шифохона, 29 та умумтаълим мактаби, 6 та коллеж, 2 та академик лицей, битта спорт мактаби, 42 та мактабгача таълим муассасаси, 3 та катталар учун ўқув марказлари, кўплаб саноат корхоналари фаолият юритмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига эътибор қаратадиган бўлсак, туманда иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида ривожланиш таъминланганини кўриш мумкин. 2013 йил январь-июнь ойларида 637,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,3 фоизга тенг бўлди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 100,4 фоизга, пуллик хизмат ҳажмининг 109,4 фоизга ўсишига эришилди. Маҳаллийлаштириш дастуридаги корхоналар томонидан жорий йил январь-июнь ойлари якунига кўра жами 167,9 млрд. сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 6 ойлик режа 120,7 фоизга бажарилган. Дастур доирасида қўймати 117,5 млрд. сўмга тенг бўлган маҳсулотлар сотилган. Шундан 4181,3 минг АҚШ доллариға тенг маҳсулот экспорт қилинган.

Туманда истиқомат қилувчи аҳолининг турли спорт турлари билан шуғулланиши учун 2 та стадион, 3 та сув ҳавзаси, 8 та спорт мактаблари, 50 та спорт зали ва кўплаб тўғарақлар мавжуд, бу эса соғлом турмуш тарзи, асосийси эса соғлом жамиятнинг шаклланишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан тумандаги 55 та маҳаллада соғлом тур-



муш тарзини шакллантириш, аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, спорт турларини оммавийлаштириш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хусусан кам таъминланган оилаларни ҳомийлар томонидан кўллаб-қувватлаш режалари ишлаб чиқилган. Шу асосда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Ҳамза туман бўлини маси ва барча маҳаллаларнинг чора-тадбирлар режаси тузилиб, шу асосида ишлар амалга оширилмоқда.

Тумандаги М.Улуғбек, «Янгиқўрғон», Бобур, «Бойсун», М.Ашрафий, «Мустақиллик», Муқимий, А.Навоий, Б.Салимов, «Гўзал», Ал-Бухорий, «Мустақилликнинг 10 йиллиги», «Истиқлол», «Ўрта масжид», Қўйлик ота, «Машинасозлар», А.Яссавий номли маҳалла фуқаролар йиғинлари идораларини ҳомийлар ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини маси ҳисобидан қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, «Замонавий маҳалла» ҳолати-

га келтирилди. Бобур, «Авиасозлар» ҳамда Алишер Навоий номли маҳаллаларда ободонлаштириш, кўламаздорлаштириш ишлари олиб борилиши натижасида улар намунали маҳалла ҳолатига келтирилиб, кўп қаватли уйларнинг том, кириш йўлаклари, лифт ва электр шитлари таъмирланди. Бундан ташқари темир эшиклар, 240 дан ортқ ўриндиқлар ўрнатилди ҳамда уйларнинг фасад қисмлари қайта таъмирланиб, болалар майдончалари барпо этилди. Жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра тумандаги 24 та болалар майдончалари қайтадан таъмирланди. «Ўрта масжид» ва М.Ашрафий номли маҳалла ҳудудларидаги болалар майдончалари ҳомийлар томонидан таъмирланиб, замонавий ҳолатга келтирилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳамза тумани ҳам шаҳримизнинг бошқа гўшалари қатори Мустақиллигимизнинг 22 йиллигини ҳар бир соҳада самарали ютуқлар билан кутиб олишга шайланган.

(Ҳамза туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

«Шарқ тароналари — 2013»

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» IX Халқаро мусиқа фестивалига қизғин ҳозирлик қўйилмоқда. Жорий йил ушбу нуфузли халқаро маданий тадбирда дунёнинг олтиншига яқин мамлакати вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, 1997 йилдан буён ҳар икки йилда мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур халқаро тадбир дунё халқларининг миллий мусиқа санъати ва қўшиқчилиги анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, тили, маданияти, урф-одатлари турлича миллат ва элатларни санъат воситасида бирлаштириш, уларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УЗА муҳбирлари аввалги фестивалларда голибликни қўлга киритган айрим санъаткорлар билан интернет орқали боғланиб, уларнинг «Шарқ тароналари» ҳақидаги фикрларини ёзиб олди.

Кизихи РЕНГ хоним, «Dunhuang New Words» гурухи аъзоси, «Шарқ тароналари» VIII Халқаро мусиқа фестивалининг биринчи ўрин соҳибаси (Хитой):

— 2011 йилда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш асносида бетакорр Ўзбекистонни кўриш, жаҳон цивилизациясининг дурдоналаридан бири бўлмиш Самарқандни томоша қилиш имконига эга бўлганимиздан, энг асосийси, мазкур танловда биринчи ўринни қўлга киритганимиздан жуда бахтиёримиз. Меҳмондўст одамларингиз бизни жуда илиқ кутиб олган эди. Фестиваль кунлари барча иштирокчилар сингари бизга ҳам зарур ҳамма шароит яратиб берилган эди. Бу бизни ғоят илҳомлантирди. Ўзимизнинг бор иқтидоримиз ва қуч-ғайратимизни сафарбар этиб, совриндорлар қаторидан жой олдик. Ўша ҳаёжонли кунлар ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

Шуни алоҳида айтишни истардимки, гўзаллик ва нафосатни ўзида мужассам этган Ўзбек наволарининг, юракни жунбўшга келтирувчи рақсларининг жаҳон мусиқа санъатида алоҳида ўрни бор. Инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этувчи ушбу анъанавий фестиваль жаҳон халқларининг мусиқий меросини тарғиб этиш ва ривожлантиришга хизмат қилиб келмоқда. Фестиваль иштирокчиларининг йил сайин кўпаяётгани дунёда унинг нуфузи ошиб бораётганидан далолатдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини ақинлашиб келаётган Мустақиллик айёми билан муборакбод этаман. Мамлакатингизга юксак тараққиёт, халқингизга фаровонлик тилайман. Бахт, тинчлик ва оқсоқиллик доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

Тини Биг МАУНТИН, «Big Mountain Dancers» санъат гурухи аъзоси, «Шарқ тароналари» VII Халқаро мусиқа фестивали совриндори (АҚШ):

— 2009 йилда ўтган «Шарқ тароналари» фестивали бизнинг хотиримизда ўчмас из қолдирган. Ўнлаб миллат ва элатлар билан бир сахнада ўз миллий куй-қўшиқларимиз ва рақсларимизни ижро этишдан жуда хурсанд бўлганмиз. Ўзбекистоннинг нуфузини янада юксалтиришга, жаҳон халқлари ўртасида дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган ушбу халқаро фестивалда иштирок этиш ҳар қандай санъаткор учун юксак шарафдир.

Кўп асрлик тарихи, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк алломалари, тарихий обидалари ва меъморий ёдгориликлар билан донг тавратган Ўзбекистондаги сўлим боғ ва ҳибоблар, сержило фарворлар, халқингизнинг юксак яратувчанлик салоҳиятидан далолат берувчи маҳобатли иншоотлар ҳар қандай кишини ўзига мафтун этиши шубҳасиз.

Ўзбекларнинг кўнгли очик, меҳмондўст халқ эканини билардик. Бирок, бизи бу қадар иззат-ўқром билан кутиб олишди, деб ўйламаган эдик. Тўғриси, «Шарқ тароналари», ундан олган таассуротларимни сўз билан тўла ифода қилиб қийин. Фестиваль кунлари ўтган ҳар бир дақиқа биз учун ҳаётимиздаги энг унутилмас лаҳзаларни тақдим этган.

Ўнлаб давлатлар вакиллари иштирок этадиган мазкур нуфузли фестивал жаҳон халқлари ўртасидаги дўстлик ва биродарлик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. «Шарқ тароналари» фестивалида иштирок этиш имконини яратгани учун Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовдан ғоят миннатдоримиз. Серкуёш Ўзбекистонга доимо тинчлик ва барқарорлик ёр бўлишини тилаймиз.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси юзасидан ўтказилган мазкур танловнинг туман ва шаҳар босқичларида иштирок этган 146 фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орасидан голиб чиққан 11 фуқаролар йиғини вилоят босқичида ўзаро беллашди.

● Шаҳрихон тумани маданият ва истироҳат боғида туман ҳокимлиги, прокуратураси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Навбатдаги ярмаркада тумандаги 102 корхона, ташкилот, муассаса ва фермер хўжаликлари мавжуд 494 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмарка давомида 452 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида ёш истеъдодларни кўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни излаб топиш мақсадида ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган «Нафосат — бўстоним маним» санъат фестивали ташкил этилди. Фестиваль доирасида халқ хунарамандчилиги ва амалий санъат намуналари кўргазмаси намойиш этилди. Танлов голибларига махсус диплом ва пул мукофотлари топширилди.

● «Трансйўлқурилиш» компаниясининг Қашқадарё вилояти мобил пунктига қарашли Ғузор асфальт-бетон заводида замонавий техника ва технологиялар асосида иссиқ ҳамда совуқ асфальт тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу ерда Осиё тараққиёт банки кредити ҳисобига Хитойдан келтирилган замонавий агрегат соатига 150 тонна асфальт-бетон маҳсулотлари тайёрлаб бермоқда.

ЖАҲОНДА

● Индонезиянинг Термата ороли соҳилларида давлатга қарашли «Pertamina» компанияси танкерига кучли тўлқин урилиб, фалокатга учраши натижасида олти тонна нефть маҳсулоти денгизга тўкилиб кетди.

● Синьхуа агентлигининг маълумотиға кўра, Хитой белгиланган режаларга қарши ўларок Гуандун жанубий музофотида ядро ёқилғисини ишлаб чиқариш бўйича завод қурилиши лойиҳасидан воз кечди. Бунга Хэшань шаҳри яқинидаги Чжишань шаҳарчаси аҳолининг нозилиги сабаб бўлган. Таъкидлаш кераки, режага кўра ушбу корхонанинг 2020 йилга бориб минг тоннагача уран ёқилғисини ишлаб чиқариши кўзда тутилган эди.

● Канар оролларида Испания ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан умумий қиймати 135 минг еврога тенг бўлган 500 килограмм микдорда кокаин гиёҳвандлик моддаси ортилган яхта тўхтатиб қолинди. Яхта экипажи аъзолари орасида Испания, Ирландия, АҚШ ва Австралия фуқаролари бор.

ҚИСКА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Олмазор туманида жойлашган «Чигатой Оқтепа»

маҳалласида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Учтепа туманидаги «Боғишамол» маданият ва истироҳат боғида ўтказилган тадбир мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишланди.

✓ **КЕЧА** пойтахтимизда Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг беш йиллик фаолияти якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.



ҲАМЗА ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Биз тумандаги 244-сонли умумий ўрта таълим мактабига ташриф буюрганимизда «Умид юлдузлари» ёзи болалар соғломлаштириш оромгоҳидаги ўқувчиларнинг шўх-шодон кулгусининг гувоҳи бўлдик. Тўрт босқичдан иборат оромгоҳда учта маҳаллада истиқомат қилувчи 485 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари соғломлаштирилмоқда.

ОРОМГОҲДА БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

— Ўқув муассасамизда ташкил этилган бу йилги соғломлаштириш оромгоҳида болаларнинг маданий ҳордиқларини таъминлаш мақсадида тумандаги «Тенгдош» маданият уйи билан ҳамкорликда иш олиб бориляпти, — дейди 244-сонли умумий ўрта таълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Матлаб Қўлдасева. — Маданият уйи жамоалари оромгоҳ ҳар бир босқичнинг очилиш ва ёпилиш маросимларида бадий чизиқлари билан қатнашади. Болаларнинг мактаб ёнида жойлашган очик сув ҳавзасида ҳар кун чўмилиш имконига эга. Бундан ташқари шаҳар бўйлаб саёҳатлар амалга оширилади. Оромгоҳда ташриф буюрган театр ва цирк жамоаларининг чиқишлари эса болаларларда катта таассурот қолдирапти.

Ҳамза тумани «Баркамол авлод» болалар марказида фаолият кўрсатувчи тўғарак раҳбарлари оромгоҳдаги тўғаракларга бошқоқ бўлиб, ўқувчиларга сабоқ беришди. Мактабдаги футбол, стол тенниси, шахмат-шашка, волейбол тўғаракларимиз болаларнинг билан гавжум бўлди. Бундан ташқари оромгоҳда «Менинг бўш вақтим», «Мен ўқиган китоб», «Мен севган қаҳрамон» мавзуларида қизиқарли кечалар ўтказилди. Мамлакатимизда чет тилларини чуқурроқ ўргатишга бўлган эътибор кучайган. Шу мақсадда ташкил этилган инглиз тили тўғараклари ҳам оромгоҳда фаолият олиб бормоқда. Болаларни қизиқтириш мақсадида ўзин тарихида дарслар, турли хил викториналар ўтказилиб, яхши натижаларга эришилди.

Ўқувчилар туман ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган спорт мусобақаларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Мактаб маъмурияти янги ўқув йилида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида ўқув дастурлари, очик тарбиявий соатлар, мустақиллик дарслари олиб борилишини таъкидлашди. Инглиз тили дарсларининг компьютерлашган хоналарда техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтилиши режалаштирилмоқда. Мактаб ўқитувчилари ўз олдларига қўйган мақсад ва вазифалари йўлида беминнат хизмат қилиш истагида. Зеро, баркамол авлод келажимиздир.

СОҒЛОМ БОЛА — ОИЛА ҚУВОНЧИ

Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 28-сон онлавий поликлиникага кириб борганимизда буюк соҳибқирон Амир Темура бобомизнинг «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир» деган сўзларига кўзимиз тушди.

Ҳақиқатан ҳам оқ либосли шифокору ҳамшираларимиз аҳолининг саломатлиги йўлида кунни тунга улаб хизмат қилишмоқда.

— 1973 йилда ишга туширилган шифона ходимлари бугунги кунда Янгиобод даҳасидаги 14 та маҳалла аҳолиси саломатлиги йўлида хизмат кўрсатишди, — дейди поликлиника бош шифокори Гулбаҳор Мамедова. — Умумий аҳоли сони 29500 нафарни ташкил этади. Маҳалла фаоллари ва фуқаролар йиғинлари раислари билан 41 нафар шифокор ва 96 нафар ҳамширалар узвий алоқада фаолият юритишади. Саломатлик ҳафталикларидея поликлиниканинг ўзида аҳоли сифатли тиббий кўриқдан ўтказилади. Бундан ташқари бизга белгиланган маҳаллаларда истиқомат қилувчи фертил

ёшдаги аёллар ва 14 ёшгача бўлган болаларни тиббий кўриқдан ўтказиб, «Соғлом она — соғлом бола» дастурига биноан оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Сўнгги янгиликлар сирасига ҳафтанинг ҳар жума кунлари Соғлиқни сақлаш бош бoshқармасининг фармойиши асосида бош шифокорнинг ўзи маҳалла оқсоқоли ва фаоллари билан биргаликда маҳалладаги муаммолар бўлган оилалар ва беморларни аниқлаб, тиббий хизмат кўрсатиб келинаётганини киритиш мумкин.

Қувонарлиси эса охириги беш йил ичида аҳоли ўртасида оналар ўлими қайд этилмади. Айрим юқумли касалликлар умуман рўйхатга олинмаган. Маҳаллаларда чиқиб тарғибот-ташвиқот ва эмлаш ишларини олиб бориш натижасида аҳоли ва

болаларнинг саломатлиги мустаҳкамланмоқда.

Мустақиллик байрами арафасида марказий стерилизация бўлими ва хоналарнинг таъмирланиши: тиббиёт ходимларимизга катта тўхфа бўлиши шубҳасиз. Жорий йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан шифонамизга муруват ёрдами тарихида ҳимиланинг юрак уришини текшириш учун мўлжалланган 2 та доплер аппарати ва кўриштиш учун мослаштирилган анжом берилди. Ҳомилалар аёллар ҳимиласининг ривожланиши ва айрим асоратларнинг олдини олишда бу аппаратларда текширув катта қўлайлик туғдиради. Биринчи навбатда поликлиниканинг ўзида бундай текширувларни амалга ошириш имконияти яратилди. Бу эса она ва бола соғлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганининг натижасидир.

Эътиборга лойиқ томони, шифонада кўп йиллик тажрибага эга шифокору ҳамширалар — Маъмура Қариева, Қарима Аҳмедова, Сониат Медведкова, Ойгўра Шамшимухамедова, Шоиста Собировалар боз билимларини ёш ходимларга ўргатиб, устоз-шогирд аъёнасини шакллантиришмоқда.

МЕҲР-ОҚИБАТ ҚЎРҒОНИ

Мустақиллик арафасида туманнинг барча ҳудудларидаги каби «Тарновбоши» маҳалласида ҳам ободонлаштириш, озодагарчилик ишларига катта аҳамият қаратилмоқда. «Тарновбоши» маҳалла фуқаролари йиғини фаолларининг тобора яқинлашаётган мустақиллик байрами олдида режалари бисёр.

Улар ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб, байрам билан табриклашни ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар.

Маҳалла кичик бир маскан, нурли гўша. Унда инсонлар бир-бирига суяниб, аҳил ва иноқ яшайдилар. Буни «Тарновбоши» маҳалла фуқаролар йиғини мисолида ҳам кўриш мумкин. «Янгиобод» ресторани, сартарошхона, дорихона, мактаб, дўконлар, турли тўғаракларга эга «Янгиобод» болалар сув спорт мажмуаси, болалар майдончаси бу ерда яшайдиган турли миллат вакиллариининг фаровон турмуш кечиришига хизмат қилмоқда.

— Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб маҳалла ҳудудида кенг қўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилди бошланди, — дейди биз билан суҳбатда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирислом Юсупов. — Март ойида маҳаллани ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш бўйича иш режаси ишчиликларининг фаровон турмуш кечиришига хизмат қилмоқда.

Саҳифа материалларини Зиёда РАСУЛОВА тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мушфиқ Аҳмад ШАМИМ, Бангладеш Шилпакала академияси директори, «Шарқ тароналари» VII Халқаро мусиқа фестивали совриндори (Бангладеш): — Мамлакатимиз вакиллари «Шарқ тароналари» фестивалида мунтазам қатнашади. Ушбу санъат анжумани бир неча йилдан буён юксак инсоний фазилатларни улуғлаб, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликка даъват этиб келмоқда. Самарқанддек афсонавий шаҳарда ўз халқининг қадимий наволарини ижро этиш ҳар қандай санъаткор учун юксак шарафдир.

Муаззам Регистон майдонида ўз санъатимизни намойиш эта олганимиздан жуда бахтиёримиз. Ана шундай аjoyиб ва нуфузли санъат анжуманининг ташаббускори Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовдан гоёят миннатдоримиз.

Фавзи АЛЛАНҚАВИЙ, Кувейт мусиқа санъати институти ўқитувчиси, «Шарқ тароналари» VII Халқаро мусиқа фестивалининг учинчи ўрин совриндори (Кувейт):

— Ушбу фестивалда бир неча бор иштирок этганман. Муаззам Регистон майдонидаги фестивал жозибасидан доимо хайратга тушаман. Ўзбекистон каби гўзал ва мафтункор диёр дунёда кам. Самарқанддаги меъморий обидалар, тарихий ёдгорликлар ҳар қандай кишини хайратга солиши шубҳасиз.

«Шарқ тароналари» нафақат миллий, балки умумжаҳон маданияти ва санъатини асраб-авайлаш ҳамда уларнинг тараққиёти йўлида жуда катта хизмат қилмоқда. Бу эса ҳозирги глобаллашув ва ахборот асрида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ана шундай нуфузли фестивални ташкил қилган Президентингиздан гоёят миннатдоримиз.

Бу йилги фестиваль қатнашчиларига ҳам улкан зафарлар тилаб қоламан.

Фозил ЖАМШИДИЙ, «Сабо» гуруҳи раҳбари, «Шарқ тароналари» IV Халқаро мусиқа фестивалининг биринчи ўрин соҳиби, VI Халқаро мусиқа фестивалининг жюри аъзоси (Эрон):

— «Шарқ тароналари» — дўстлик ва тинчлик кўприғидир. Ушбу фестивалда бир неча марта иштирок этганимдан бир умр фахрланаман. 2003 йили гуруҳимиз мазкур фестивалда биринчи ўринни олишга муваффақ бўлгани биз учун юксак шарафдир. «Шарқ тароналари»нинг асосий гоёси инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноб муносиқий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдан иборатдир. Жаннатмонанд Ўзбекистонда ҳар икки йилда ўтказиладиган мазкур халқаро фестиваль тили, маданияти, миллий қадриятлари рангбаранг миллат ва элатларни санъат воситаси билан муштарак мақсадлар йўлида бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Фестивалда 2007 йилдаги иштироким Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйига тўғри келган эди. Ҳар гал Самарқандга борганимда бетакор тарихий обидалар ва муқаддас қадимонларни зиярат қилиб, руҳим янада кўтарилди. «Шарқ гавҳари» Самарқандда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ишлар мени хайратда қолдирган. Бу қадимий ва гўзал шаҳардаги янгиликлар бунёдкор халқининг юксак салоҳияти, тафаккур қудрати, истеъдод ва маҳоратининг яна бир намоёнидир. «Ер юзининг сайқали» номи билан машҳур қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд азалдан Шарқнинг энг ёрқин илму маърифат марказларидан бири бўлган. Шаҳардаги таълим муассасаларида дунёнинг турли мамлакатларидан келган минглаб толиби илмлар таҳсил олган. Дунёда Самарқанддек қадимий ва гўзал шаҳарлар жуда кам эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу муқаддас шаҳар инсоният бунёдкорлиги, ақлу заковати, тафаккури тисмолидир.

Жаҳон мусиқа санъати ва турфа халқлар маданиятини намоён этиш учун имконият яратибтгани учун Ўзбекистон раҳбариятидан гоёят миннатдоримиз. Бундай хайрли ишлар мамлакатингизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътибори ва нуфузи янада юксалишига хизмат қилмоқда.

КИЛЕМА ВА ТАЛИКЕ, «Tallilema» гуруҳи аъзолари, «Шарқ тароналари» VIII Халқаро мусиқа фестивалининг учинчи ўрин совриндорлари (Мадагаскар):

— «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалида ҳар бир халқ вакиллари ўз миллий мусиқасининг энг юксак намуналарини тақдим этиши билан ҳам гўзал ва аҳамиятлидир. Шундай нуфузли халқаро фестивалда, танловда совриндор бўлганимиздан ва мамлакатимизга ёруғ юз билан қайтганимиздан беҳад фахрланамиз.

Фестиваль пайтида Самарқандда ўтказган кунларимизни ҳеч қачон унутмаймиз. Регистон майдонидаги бетакор сахна, ўнлаб мамлакатлардан келган санъаткорлар, Самарқанднинг бир-биридан гўзал, бир-биридан қадимий обидалари, ҳар қандай кишини хайратга соладиган замонавий иншоотлари, тинч-осойишта, тоза-озода кўчалари, ҳибобонари, ҳаётидан мамнун одамлар, ўзбекона меҳмондўстлик, ўзбек миллий таомлари, сархил мевалар барча-барчаси юрагимизнинг тўб-тубидан ҳил олган. Самарқанд шаҳри ва «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бизга ана шундай ширин хотираларни ёдга солиди. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келатган Мустақиллик байрами билан самимий кутлаймиз!

Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА
ёзиб олди

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» МИЖОЗЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК ЯРАТМОҚДА


«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси жорий йилнинг 1 августидан 30 сентябрга қадар жисмоний ва юридик шахсларнинг телефон тармоғига улашни учун олинадиган тўловни бекор қилди.

Бу ҳақда хабар тарқатган компания матбуот хизматидан маълум қилишларича, юқорида кўрсатилган мuddатда аҳолига ва ташкилотларга телефон тармоғига улашни учун абонент линияси бўйича сим ўтказиш тўлов олинмасдан амалга оширилади. Бу эса «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг ўз мижозлари учун яратиб бераётган қўлайликларидан биридир.

«Туркистон-пресс»



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

(1999 йил)

Аёлга эҳтиром – амалда жамиятга муносабат даражасини билдиради. Бошқача айтганда, жамиятнинг маданий-маънавий даражаси аёлга муносабатга қараб аниқланади.

Биздаги шу юксак қадр-қимматдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти 1999 йилни «Аёллар йили» деб эълон қилди. Шу асосда «Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари» Давлат дастури ишлаб чиқилиб (18.02), йил давомида изчил амалга оширилди.

Аёлга муносабат билан боғлиқ кўп асрлик бой миллий меросимиз тадқиқ этилди. «Аёлга эҳтиром» деган махсус тўплам шу асосда тайёрланиб, чоп этилди. Қанчадан-қанча мақола, рисола, китоблар нашрдан чиқди, эшиттириш, кўрсатув, ҳужжатли фильмлар халқ ҳукмига ҳавола қилинди.

Январь ойида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ташкил этилди (13.01). «Ўзбекистон тарихи» журнаlining 1-сонини нашрдан чиқди. Хоразм вилоятида шоир ва мутафаккир Пахлавон Махмуднинг 750 йиллиги кенг нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди (06.02). Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини тўғрисида»ги Низом тасдиқланди (26.02). Тошкентда Ўзбекистон тарихчилари жамияти ташкил этилди.

16 февраль воқеалари халқимизнинг асло ёдидан чиқмайди – пойтахтда ёвуз террорчи кучлар томонидан содир этилган кўпурвчилик ҳаракати мустақилликка қарши қилинган тажовуз эди. Ҳаёт Буюк истиклол кўргонининг янада мустақамлигини кўрсатди ва барчамизнинг ҳамиша хушёр ҳамда огоҳ бўлишга ундади...

Йилнинг хотирадан ўчмас тарзда ўрин олган воқеаларидан бири шуки, 2 март куни Президент Фармони билан 9 май Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинди.

1997 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов байрам муносабати билан Тошкент шаҳридаги Қардошлиқ қабристони зиёратига борган чоғида бу байрам мазмун-моҳияти ҳақида жиддий ўйлаб қўриш кераклиги, шўро даврида одат тусини олган «номаълум аскар қабри» тушунчаси мантиқсиз экани, ҳар бир жангчининг исми, фамилияси, ота-онаси, манзили борлигини айтиб, Ўзбекистонлик уруш қатнашчилари қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш учун эмас, аввало, ўз юрти – Ўзбекистони тақдирини ўйлаб жангга кирганини айтиди. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг ҳар бир минтақаси – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан бориб, уруш майдонларида мардларча халок бўлганлар исми-шарифлари қайд этилган махсус бир майдон бунёд этиш ҳақида ўйлаб қўриш масаласини ўртага ташлади.

Орадан икки йил ўтар-ўтмас, Ўзбекистон Президентининг юқорида таъкидлаб ўтилган Фармони билан бу байрам моҳияти буткул ўзгарди. 9 май йили қисқа фурсат ичида Тошкентнинг марказида Хотира майдонини бунёд этилиб, унинг тўғрисида Мотамсаро она хайкали ўрнатилди. Икки йил бурун илгари сурилган яна бир ғоя амалга ошди: она хайкали сари бораверишда икки томонда миллий руҳдаги айвонлар ростланиб, унда Ўзбекистонимизнинг ҳар бир минтақаси учун темир «дафтар»лар ташкил этилди ва уларда юртимиздан бориб, урушда халок бўлган ҳар бир фуқароннинг муборак номи муҳрлаб қўйилди. Кейин бундай майдонлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказий шаҳарларида ҳам бунёд этилди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакат олдида кейинги йил байрамлари масаласини ҳал этиш турар эди. 9 май умумхалқ байрами сифатида сақлаб қолинди. Чунки 1941 – 1945 йиллар урушида Ўзбекистон халқи адолат тарафида туриб жанг қилди, ғалабага муносиб ҳисса қўшди.

Аммо энди Ватан тушунчаси тамоман ўзгарган, бу байрамни эскичасига номлашнинг эса асло иложи йўқ эди. Президент оқилона ечим топди. Хотира ва қадрлаш тушунчалари – инсонга хос абадий туйғулар ҳисобланади. Унда миллий-

лик ҳам, умуминсонийлик ҳам, теран фалсафий моҳият ҳам – мужассам.

Шу йили 9 май куни пойтахтдаги Хотира майдони тантанали равишда очилди. Мотамсаро она хайкали давлат раҳбари илгари сурган бир муҳим ғояни ифодалади: урушда номаълум аскар эмас, маълум, онаси – юрти бор инсон мардларча халок бўлган, уни онаси – юрти асло унутмайди!

Апрель ойида Тошкент ислом университети (07.04) очилди, биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 15-сессиясида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (янги таҳрирда), «Ўрмон тўғрисида», «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида» қонунлар қабул қилинди (14 – 15.04). Тошкентда Маърифатчилар жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Махлисда жамият Низомини тасдиқлади (23.04). Австралиянинг Брисбен шаҳрида ўтказилган Халқаро

ИСТИҚЛОЛ. СЛОҲОТ. СТИҚБОЛ

«Гран-при» турнирида ўзбек қаратэчилари 25 та медални қўлга киритди, уларнинг 14 таси олтин медаллар эди.

Май ойида кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 48 та мамлакатидан спортчилар қатнашди (1 – 2.05). Тошкент – Самарқанд йўналишида электропоезд қатнови йўлга қўйилди. Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилишида уни умумий темир йўл тармоғи билан улайдиغان узунлиги 20 километр бўлган Жийрон – Шўртан темир йўл тармоғи фойдаланишга топширилди (17.05). Навоий вилоятидаги Навбахор гидроузели фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йили «Маънавият» наشريёти чоп этган «Юксак маънавият – энгилмас куч» китобида «Энг буюк жасорат» деган махсус фасл бор. Унда инсонга хос фидойилик фазилати таҳлил этилиб, унинг мағзида ётган маънавий жасоратга аниқ-тиниқ таъриф берилди: «...Бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янгилашмаган бўламиз».

Юртбошимиз Насриддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темурларнинг фидойиликларига баҳо берганидан кейин машҳур археолог олим, академик Яхё Ғуломов, атоқли шоиримиз Зулфияхоним ҳамда атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддиновлар кўрсатган маънавий жасорат ҳақида батафсил тўталади.

Зулфияхоним ҳақидаги мана бу самимий сўзларни ўқиймиз: «Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намойён этган атоқли шоиримиз Зулфияхонимни ҳам мен ана шундай фидойи инсонлар қаторига қўшган бўлардим. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Ширк аёлининг ақлу зақоси, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърят мухлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган, десак, муболага бўлмайди. Лекин бу мураккаб ҳаёт калби ўз халқи ва Ватанига меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошган, дунёдан эзгулик ва гўзаллик излаб яшаган бу аёлни ҳамма вақт ҳам аягани йўқ. Аслида, бу дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби барчанинг ҳам бошида бор. Аммо ғам-андух ва ҳасратларни матонат билан енгиб, тоғдек бардоши билан вафо ва садоқат рамзига айланган Зулфия опа сингари аёллар ҳар қандай юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир».

Бу сўзларни келтиришимиз беиз эмас. Айнан «Аёллар йили»нинг 10 июнида Зулфия номидаги давлат мукофоти таъсис этилди. Шундан буён бу мукофот неча-неча ёш қизларимизга илҳом бағишлаб, уларни янги-янги ижод намуналарини яратишга ундаб келяпти.

Ана шу июнь ойида Навоий шаҳрида ўт ўчирувчи машиналарни йиғиш бўйича Ўзбекистон – Украина қўшма корхонаси ишга тушди.

Июлда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ратификация қилинди (01.07). Тошкентда Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича «6+2» гуруҳининг БМТ ҳомийлигидаги учрашуви бўлиб, унда тарихий Тошкент декларацияси қабул қилинди (19 – 20.07). Андижон вилоятининг Марҳамат туманида «Экомевалар» Ўзбекистон – Россия қўшма корхонаси ишга тушди, республикада ишлаб чиқарилаётган

«ИЛ-114» самолёти Тошкент – Нукус, Тошкент – Фарғона йўналишлари бўйича доимий парвозларни амалга ошира бошлади.

Августда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди (07.08). 3 сентябрда Президентнинг уни қўллаб-қувватлашга қаратилган фармони ҳам чиқди). Вазирлар Маҳкамасининг Европа – Осиё трансконтинентал автомагистралини лойиҳалаш ишлари бўйича қарори қабул қилинди (18.08), биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 15-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат чегараси тўғрисида», «Туризм тўғрисида», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди (19 – 20.08). Самарқандда «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивали очилди (26.08). Фарғона туманида пиллани қайта ишлайдиган Водил пиллашқил фабрикасининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

Тошкентда «Буюк Ипак йўли»ни тиклаш бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди (20 – 21.08). Унда, Ўрта Осиё мамлакатларидан ташқари, Хитой, Туркия, Грузия, Озарбойжон, Сурия ва бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қатнашди. Шаҳидлар хотираси хайрия жамғармаси (21.09) таъсис этилди. Тошкентда Американинг «Моторола» компанияси ваколатхонаси ва радиостанциялар ишлаб чиқарилган «Ўзбекистон – Моторола – Телеком – Радио» қўшма корхонасининг расмий очилиши маросими бўлиб ўтди (27.09).

Октябрь ойида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси (12.10), «Шарқ аёли» халқаро аёллар жамғармаси (26.10) тузилди. Тошкентда бокс бўйича 20-Осиё чемпионати ўтказилди. Унда 20 мамлакатдан 210 спортчи қатнашди (23 – 30.10). Тошкентда Республика «Тошкент» фонд биржаси билан Франкфурт фонд биржаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик меморандумини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Нукусда Онкология илмий маркази очилди, Андижон вилоятининг Шахрихон туманида «Антекс» очиқ турдаги акциядорлик жамияти тўқимачилик корхонаси ишга туширилди.

Уч йил бурун, яъни 1996 йили Ўзбекистоннинг дастлабки энгил автомобиллари ишлаб чиқарилган эди. Март ойида «СамКочАвто» Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонасида шаҳарлараро ва шаҳар ичида қатнашга мўлжалланган дастлабки автобуслар ишлаб чиқарилди. Октябрь ойига келиб бу корхона ишлаб чиқараётган автобусларнинг дастлабки туркуми экспортга жўнатилди.

1999 йилнинг ёдда қолган муҳим воқеалари ноябрь ойида бўлиб ўтди. Хоразмда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги (05.11). Термизда эса «Алпомиш» достонининг 1.000 йиллиги тантанали равишда нишонланди (06.11). Урганчада Жалолиддин Мангуберди ва Термизда Алпомишга ҳайкал ўрнатилди.

Миллат қадим тарихи билан нафас ола бошлаган эди. Қайси халқ минг йил бурун «Алпомиш»-дек буюк эпик достон яратган бўлса, у башарият тамаддуни раванқига улкан ҳисса қўшган ҳисобланади. Бу Ер юзиде амалда бўлган қараш.

Ўзбек халқи уч ўта буюк адабий ёдгорлик яратган: халқ оғзаки ижодида – «Алпомиш», муомтоз адабиётда – «Фарҳод ва Ширин», ҳозирги сўз санъатида – «Ўткан кунлар». 1999 йил халқимиз учун шуни дунёга баралла айтиш имконини берди.

Жалолиддин Мангуберди руҳига муносабат шу билан тўхтаб қолмади – 2000 йил 30 августда мамлакатимизда «Жалолиддин Мангуберди» ордени таъсис этилди.

Декабрь ойида Тошкент ва Самарқандда Камолитдин Бехзод таваллудининг 545 йиллиги, Хоразмда атоқли ўзбек шоири, тарихчи Оғаҳий таваллудининг 190 йиллиги (12.12), Нукусда Аҳиниёз Қўсийбой ўғли таваллудининг 175 йиллиги (18.12) кенг нишонланди.

17 декабрда Қорақалпоғистонда 115 километр узунликдаги Мискин – Султон Увайис магистралда темир йўл изларини тутатириш ишлари ниҳоясига етказилди.

29 декабрда эса Вазирлар Маҳкамаси «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» қарор чиқарди.

Шу йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига эркин демократик сайлов бўлиб ўтди.

Йил Тошкентда «Тошкент-плаза» халқаро савдо кўرғазма мажмуаси бунёд этилгани, Ўзбекистон истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси тузилгани билан ҳам тарихда қолди.

Олим МАҲМУДОВ
(Келгуси сонда 2000 йил воқеалари тафсилоти билан танишасиз).

03-03 ЎРГАНИЧ ДОМО БИГУР

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Эътироф ҳузур бағишлайди.

Вақт ел каби учади.

Ношуд ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнайди.

Қўлидан иш келмаган ҳаммага ташвиш келтиради.

Бировни қийнаганнинг ўзи ҳам роҳат қилмайди.

Ақлли аҳмоқнинг кетидан овора бўлади.

Бекор қолсанг, ноилож ўзинг ҳақингда ўйлай бошлайсан.

Ожиз кимса кўпинча бошқалар манфаатининг қурбони бўлади.

Ўзига юқори баҳо бериш кишини худбинликка олиб боради.

Бировнинг хатоси бошқа одамнинг тақдирини ҳал қилиши мумкин.

Шубҳанинг туғилиши осону кетиши қийин.

Одамлар то иши битгунча.

Меҳнатдан қочадилару ҳосилидан таъма қиладилар.

Назари пастдан ҳар қандай ёмонликни кутса бўлади.

Бу дунёда бир куни келиб фош бўлмайдиған сир йўқ.

ЎЗГИДРОМЕТ

ХАБАР ҚИЛАДИ

жа иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 6 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фазс кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 6 август куни ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан ғарбга томон секундиға 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси —21-23, кундузи — 37-39 дара-

